

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Қизириқ туман тиббиёт бирлашмаси

Харид комиссиясининг раиси

У.М.Мушдинов



Қизириқ туман тиббиёт бирлашмаси беморларига иссик
овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини кўрсатувчи
ташкilotларга талаб этиладиган хизматлар ва хужжатлар
рўйхати

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

СУРХОНДАРЁ-2022 йил

МУНДАРИЖА

I Боб. Қатнашчига кўрсатма

II Боб. Танловнинг таклиф шакллари

III Боб. Етказиб бериладиган маҳсулотлар(хизматлар)га нарх ва техник талаблар

IV Боб. Тижорат қисми

V Боб. Шартнома шакли

I БОБ. ҚАТНАШЧИГА КЎРСАТМА

A. Умумий маълумот

Танлов предмети

Мазкур танлов ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар

Танлов комиссиясининг вазифалари

Техник ва тижорат таклифларини баҳолаш гуруҳининг вазифалари

Қатнашчига танловда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари

Танлов доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

B. Танлов ҳужжатлари

Танлов ҳужжатининг таркиби

Танлов ҳужжатларига аниқлик киритиш

Танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

V. Танлов ҳужжатларини тайёрланиши

Танловда қатнашиш харажатлари

Танловда қўлланиладиган тил Танлов таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар

Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш

Муқобил таклифлар Танлов таклифини расмийлаштириш ва имзолаш

G. Танлов таклифининг топширилиши ва очилиши

Танлов таклифларини топширишнинг охириги муддати

Танлов таклифларининг очилиши

D. Танлов таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш тартиби

Танлов таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш

Таклифларнинг мос келмаслиги

E. Шартномани расмийлаштириш

Шартномани расмийлаштириш

Тўлов шартлари

Шартномани имзолаш

A. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1. Танлов предмети

Танлов комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонуни ва Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3016, 26.05.2018 й.) асосан амалга оширади.

Танловни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар:

Танловни ўтказиш очиқ турда бўлиб, Қизириқ туман тиббиёт бирлашмаси беморларига иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини курсатиш бўйича танлов ўтказиш кўзда тутилган.

Тўпламлар сони: 30 кун давомида

Хизматларнинг максимал нархи: 62 985 000 сўм.

Танловга қўйилган товарнинг (хизматнинг, ишнинг) нархи қўшимча қиймат солиғисиз билан.

Ишлар танлов ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган талабларига биноан бажарилиши лозим.

Хизмат кўрсатиш муддати: 30 кун.

2. Мазкур танлов ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар

Бюджет маблаглари ҳисобидан вилоят рухий касалликлар шифохонаси беморларига иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини курсатувчи ташкилотни аниқлаш бўйича

Танлов (кейинги ўринларда - Танлов) ўтказишдан мақсад - мазкур

Танлов ҳужжатлари талаблари асосида тизимни яратиб берувчи ташкилотни аниқлаш.

Танлов ўтказиш тартиби - бир босқичли.

Буюртмачи - Сурхондарё вилоят Қизириқ туман тиббиёт бирлашмаси

Манзили: Қизириқ туман Дўстлик маҳалласи

Танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс - давлат харидлари бўйича мутахассис ҳисобчи Хуррамов Абдумалик; Тел.: (91) 971-44-72

3. Танлов комиссиясининг вазифалари:

-танлов ўтказиш тартиб-қоидаларини белгилайди;

-белгиланган тартибда танловни ўтказиш; -танлов талабгорларига тааллуқли барча ҳужжатларни тақдим қилиш, муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш;

-танлов бўйича келиб тушган таклифларни очиш санасини белгилаш;

-таклифлар билдирилган, уларнинг танлов ҳужжатлари билан белгиланган талабларга (тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги, уларнинг расмийлаштирилиши ва ҳоказо) мувофиқлигини текширади;

- талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифларини кўриб чиқишда нархларнинг сунъий равишда оширилишини олдини олиш ва ҳолисликка ҳамда конун ҳужжатлари талабларига катъий риоя қилиш;

- зарур ҳолларда комиссия фаолиятига мутахассис ходимлар жалб этилишини назарда тутиш; - қолиб деб топилган талабгорлар билан шартнома имзолаш бўйича таклиф беради

3 Танловнинг ташкилотчиси

- Ишчи гуруҳ. Унинг вазифасига қуйидагилар киради:
- танлов ҳужжатлари ишлаб чиқилишини таъминлайди ва уларни ўрнатилган тартибда талабгорларга тақдим этади;
- танлов ўтказилиши тўғрисида республика товар хом ашё биржасининг [\у\см?.c1xag1c1.i2ex.i2](http://sm?.c1xag1c1.i2ex.i2) порталида эълон беради;
- танлов таклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилишини таъминлайди.

4. Техник ва тижорат таклифларни баҳолашда танлов комиссиясининг вазифалари:

-қатнашчиларнинг танловга тақдим этилган молиявий ҳужжатларини ва нарх таклифларини ўрганади, таҳлил қилади ва кўриб чиқади;

-энг яхши танлов нарх таклифини аниқлайди, ғолибни аниқлайди ва қарор қабул қилади. **Қатнашчи** - мулкчилик шаклидан қатъий назар, танлов талабларида кўрсатилган товарларни етказиб бериш ва хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар.

Қатнашчи: - тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади;

- фақат битта таклифни тақдим этиш ҳуқуқига эга; - тақдим этилган таклифни тақдим этиш муддати тугамагунча кайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.

5. Қатнашчига танловда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари

Танлов таклифларини тайёрлайди ва танлов комиссиясига тақдим этади. Уларнинг фаолиятини баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча ахборотни тақдим этади (Танлов комиссиясининг сўровига кўра).

5.1. Танлов қатнашчиларини малакали танлови

Танлов комиссияси томонидан амалга оширилади.

Танлов қатнашчилари қуйидаги ҳужжатлар ёрдамида малакали танланади:

- корхона ва ташкилотларининг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисидаги маълумотнома;
- юримдик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нусхаси;
- тегишли ваколатли орган томонидан берилган танлов талабларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нусхаси;

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИРи кўрсатилган бўлиши ва танлов эълон қилингандан сўнг олинган бўлиши шарт.

5.2. Малакали танловдан ўтган қатнашчи танлов комиссиясига

- қатнашчининг ташкилий шакли (1-шакл);
- қатнашчи тўғрисида умумий маълумот (2-шакл);
- қатнашчининг тажрибалари тўғрисида маълумот (3-шакл)
- маҳсулотнинг ва хизматнинг техник тавсиф жадвали (4-шакл);
- маҳсулотни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш жадвали асли (5-шакл)
- танлов таклифи асли (6-шакл);
- маҳсулот, хизмат учун таклиф қилинаётган нарх асли (7-шакл);

5.3. Қатнашчи танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз ҳисобидан коплайди.

5.4. Танловда ғолиб чиққан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.

Танлов ғолиби - таклифларни баҳолаш яқунлари бўйича танловда энг паст нарх таклиф қилган танлов қатнашчиси.

4 Захирадаги қатнашчи - танлов ғолибидан кейинги ўринда турган паст нарх таклиф қилган қатнашчи.

5.5. Танловга қуйидаги қатнашчилар қўйилмайди:

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;

- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эга бўлмаган;

- инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;

- имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ва/ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлган;

- аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган; Буюртмачи қуйидаги ҳолларда иштирокчини харид тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита миждознинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органининг ҳар қандай шаклда маблаг, иш таклифини ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо буюмларни ёки хизматларни таклиф қилиши, бериши ёки беришга рози бўлганлиги - ёки харидорнинг давлат харидлари жараёнида ҳаракатлари юзасидан қарор қабул қилиши ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаши;

- иштирокчи қонунга ҳилоф равишда адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

6. Танлов доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

6.1. Тушган таклифларнинг кўриб чиқиши, уларнинг танлов комиссияси аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот махфий ҳисобланади ҳамда танлов тартибқоида сизга расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Танлов комиссияси аъзолари мазкур ахборот ошкор қилинганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Б. ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

7. Танлов ҳужжатининг таркиби

7.1. Танлов қатнашчиси унга берилган танлов ҳужжатини ва шу билан бирга барча кўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлиқ ўрганиб чиқиши шарт.

7.2. Танлов ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган барча талаб қилинган маълумотларни бермаслик ёки таклифнинг танлов ҳужжатлари талабларига тўлиқ тўғри келмаслиги, таклифнинг қабул қилинмаслигига олиб келади.

8. Танлов ҳужжатларига аниқлик киритиш

8.1. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар Қатнашчи танлов ҳужжатларига қандайдир аниқлик киритиш учун танлов комиссиясига ёзма равишда мурожаат қилишлари мумкин:

8.2. Танлов комиссияси талабгорнинг сўровига кўра Танлов таклифларини тақдим этишнинг сўнгги муддатидан камида 3 кун олдин сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда танловнинг барча қатнашчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб, танлов ҳужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ саволга ёзма жавоб бериши шарт.

9. Танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

9.1. Таклифларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар камида 3 кун олдин танлов комиссиясининг комиссия қарорига мувофиқ талабгорларга маълум қилиб, таклифга тузатиш киритиш учун етарли бўлган вақт берган ҳолда, унинг муддатини узайтириб, танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ҳақлидир.

В. ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ

10. Танловда қатнашиш харажатлари

10.1. Танловда иштирок этиш ва танлов ҳужжатини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар қатнашчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

10.2. Танлов таклифи нархи миллий валюта - сўмда тўланиши лозим.

10.3. Маҳсулот (хизмат, иш) нархи(таклиф)га барча харажатлар, яъни солиқ ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар киритилади.

10.4. Қатнашчи томонидан белгиланган нархлар маҳсулотни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятларини охирига етказилмагунга қадар ўзгартирилмайди (танлов комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориш натижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

10.5. Нархларнинг ошишига қараб ўзгартириладиган нархларни кўзда тутувчи танлов таклифлари исталган босқичда, танлов талабларига жавоб бермайди деб қаралади ва танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилиши рад этилади.

11. Танловда қўлланиладиган тил

11.1. Қатнашчилар томонидан берилаётган таклифлар, Буюртмачи ва қатнашчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли ҳужжатлар ўзбек тилида тайёрланади.

12. Танлов таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар

12.1. Танлов комиссияси лозим бўлганда Танлов қатнашчиларидан тақдим этилган Танлов таклифларини тасдиқлаш учун қўшимча ёки бошқа маълумотларни талаб қилиши мумкин.

13. Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш

13.1. Қатнашчи танлов таклифини катъий равишда мазкур танлов ҳужжатининг II бобидаги шакллар асосида тақдим этиши лозим.

13.2. Танлов таклифи шаклларидаги барча бўш графалар танлов ҳужжатлари талаблари асосида тўлдирилиши зарур.

13.3. Қатнашчи таклиф этилаётган маҳсулот (хизмат) учун нарх таклифини танлов таклифи шакли асосида тақдим этиши лозим.

14. Муқобил таклифлари

14.1. Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган маҳсулот (хизмат) кўринишида берилган танлов таклифлари кўриб чиқилмайди.

15. Танлов таклифларини расмийлаштириш ва имзолаш

15.1. Танловда иштирок этиш учун қатнашчи танлов ҳужжатларини имзолаш ваколати бор бўлган ўзининг вакилини тайинлаши мумкин. Вакил томонидан имзолаш учун қатнашчи ўз вакилига тегишли ишонч хати бериши лозим, ишонч хати ташкилотнинг ваколатга эга шахси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак. Танлов иштирокчиларининг таклифлари ип билан тикилган, рақамланган, муҳр қўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифларнинг ҳар бир варағи имзоланган ҳолда тақдим этиш тавсия этилади. 15.2. Берилган таклифларда ёзув каторлари орасига қўшиб ёзиш учун жой ташланиши ёки ўчириш ҳолатлари мавжуд бўлса, бу таклиф ўз кучини йўқотади ва рад этилади.

17. Танлов таклифларини топширишнинг охириги муддати

17.1. Қатнашчиларнинг танлов таклифлари ҳаё.игех.иг электрон савдо платформасида эълон берилган кундан бошлаб 5 иш кундан кечикмасдан танлов комиссиясига топширилади (шанба, якшанба дам олиш кунни эътиб белгиланади).

17.2. Танлов таклифларини топширишнинг охириги муддати ҳеч қандай шароитда кўчирилмайди (9.1-бандида эслатилган тасодифий ҳолатлардан ташқари).

17.3. Танлов таклифларини топширишнинг охириги муддатига 3 кун колгунга қадар танлов қатнашчиси ўз таклифларини қайтариб олиши ёки таклифга ўзгартириш киритиши мумкин.

17.4. Танлов қатнашчиси томонидан танлов ҳужжатларида талаб этилган маълумотлар тўлиқ тақдим этилмагани ёки мазкур танлов ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган таклифлар кўриб чиқилмайди ва рад этилади.

18. Танлов таклифларининг очилиши

18.1. Танлов таклифлари беришнинг белгиланган муддати тамом бўлгач белгиланган кундан 10 иш кундан кўп бўлмаган муддатда танлов комиссияси танлов таклифларни куриб чиқади.

18.4. Танлов комиссияси мажлисининг натижалари баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада танлов қатнашчилари томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб ўтилади. Шакл бўйича тақдим этилмаган ва танловга қўйилмаган таклифлар, баённомада улар рад этилишининг сабаблари кўрсатилган ҳолда алоҳида санаб ўтилади.

Д. ТАНЛОВ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

19. Танлов таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш 19.1. Танлов комиссияси танлов таклифларини техник, ташкилий-молиявий ва тижорат жиҳатдан баҳолаш танлов комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

19.2. Танлов таклифларини баҳолаш икки босқичдан иборат: - техник, ташкилий-молиявий; - тижорат.

19.2.1. Танлов таклифларини баҳолаш вақтида Танлов комиссияси танлов қатнашчисидан унинг танлов таклифлари борасида тушунтиришлар беришини сўраши мумкин.

19.2.2. Қатнашчиларнинг тижорат таклифларини барча учун тенг шартлар асосида ўтказиш мақсадида уларнинг танлов таклифларини баҳолашда, сифатли маҳсулот етказиб беришдан (хизмат кўрсатишдан, иш бажаришдан) иборат бўлган танлов таклифлари бўйича қонунчилик асосида кўшимча қўшилган қиймат солиғи тўловчилари томонидан солиқ суммаси киритиб ҳисоб қилинади.

19.3. Танлов қатнашчиларининг таклифларини молиявий баҳолаш. тижорат таклифларни баҳолаш мезони асосида аниқланади.

19.4. Танлов таклифларини қараб чиқиш муддати 10 кундан ошмайди.

19.5. Энг паст нарх таклиф қилган қатнашчи ғолиб деб ҳисобланади.

19.6. Яқун чиқариш ва танловнинг ғолиби тўғрисидаги қарор танлов комиссияси томонидан қабул қилинади. Ғолибни танлашда Танлов комиссияси аъзоларининг яқка тартибдаги хулосасига асосланилади. Қарор танлов комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий, кўпчилик овози билан қабул қилинади. Танлов комиссияси раисининг овози ҳисобга олинмайди фақат имзоси билан комиссия аъзолари қарорини тасдиқлаб беради.

19.7. Танлов комиссияси танлов ҳужжатлари шартларига мос келмайдиган ҳар қандай танлов таклифларини қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқини ўзида олиб қолади.

19.8. Танлов комиссиясининг сўровларига жавоб бера олмайдиган қатнашчилар 7 томонидан тақдим этилган (берилган) ҳар қандай тушунтиришлар кўриб чиқилмайди. Баённома йиғилишда иштирок этган аъзолар томонидан имзоланиши ва танлов комиссияси раиси томонидан тасдиқланиши керак.

19.9. Танлов ташкилотчиси танлов ғолибига танлов яқунлангандан кейин уч кундан кечикмай билдиришнома беради ва яқунларини Республика товар-хон ашё биржасининг ту.ё.хап.игех.иг махсус порталида эълон қилади.

20. Таклифларнинг мос келмаслиги

20.1. Танлов ҳужжатларини текшириш чоғида аниқланган арифметик хатолар мавжуд бўлган тақдирда танлов комиссияси: қатнашчига танлов таклифига тузатиш киритиш имкониятини бериши; таклифларни баҳолашда, товар (хизмат, иш) нархи билан бирлик нархи ва сонини кўпайтириш натижасида олинган якуний нарх ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, товар (хизмат, иш) нархи устунлик қиладиган, умумий нархга тузатиш киритиладиган қарор қабул қилиши мумкин. Агар сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) билан рақамда кўрсатилган сумма (нарх) ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, у ҳолда сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) устунлик қилади.

20.2. Агарда қатнашчи хатоларни тўғрилашдан бош тортса, унинг танлов таклифи танлов комиссиясининг қарори билан четлаштирилади.

20.3. Танловда иштирок этиш учун қатнашчи ҳуқуқи бошқа юридик шахсга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

20.4. Танлов қўйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади: тегишли лот бўйича танлов таклифларини тақдим этишнинг энг охириги муддатигача таклиф тушмаса ёки фақат битта таклиф тушса; барча танлов таклифлари танлов ҳужжатларига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлмаса; барча танлов таклифларида танлов ҳужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса; барча қатнашчиларнинг таклиф этган нархлари товарнинг бошланғич кийматидан анча юқори бўлса.

20.5 Танловнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон қилиниши танлов қатнашчиларидан биронбирининг мулкӣ ёки бошқа жавобгарлигига олиб келмайди.

1. Танлов

Е.ШАФТНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

21. Шартномани расмийлаштириш

21.1. Буюртмачи ва танлов ғолиблари ўртасидаги шартнома танлов ғолиблари тўғрисида республика товар-хон ашё биржасининг www.xarid.uz порталида эълон қилинган кундан бошлаб уч кун муддат ичида тузилади.

21.2. Агар танлов ғолиби шартнома тузишни рад этсап ёки белгиланган муддатда шартномани бажариш учун кафолат бермаси, у ҳолда Буюртмачи танлов комиссияси қарорига мувофиқ кейинги энг кўп балга эга бўлган заҳирадаги қатнашчини танлов ғолиби деб эътироф этиши ёки такрорий танлов ўтказишни тайинлаши мумкин.

22. Шартноман имзолаш.

22.1. Ғолиб қатнашчи 3(уч) кун муддат ичида Буюртмачи билан шартнома имзолаши шарт.

22.2. Ғолиб деб топилган қатнашчи шартномани бажариш кафолатини муддатда бера олмаси кейинги энг кўп бал тўплаган заҳирадаги қатнашчи билан шартнома имзоланади.

22.3. Танлов ғолиби миқдор, сифат ҳамда техник кўрсаткичлари бўйича шартнома талабларини бажармаса қонун доирасида (ёки шартнома талабларигаасосан) жавобгарликга тортилади.

II БОБ. Танлов таклиф шакллари

1 -шакл

№ лот

Танлов қатнашчисининг ташкилий тузилмаси Танлов қатнашчисининг ташкиллаштириш бўйича ишлаб чиқариш тузилмасини тақдим этинг: майдони, товар етказиб бериш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) бўйича ташкилий тузилмаси, манзили ва мулкчилик шакли (хусусий ёки ижарага олинган) кўрсатилган ҳолда.

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛОВ САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУҲРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

2-шакл

№ -лот № ва

(Қатнашчининг фирма бланкасида) сана

Қатнашчи тўғрисида умумий маълумот шакли

Танлов савдолари иштирокчисининг номи:

Манзили ва телефон рақами: _____ Факс:

Юридик ақоми: _____

Ташкил этилган жойи ва санаси: _____

Фаолият турлари бўйича ихтисослашуви: _____

Офиси жойлашган жойи ва Ўзбекистондаги филиаллари: _____

Доимий ва вақтинчалик ишловчи ходимлари умумий сони, жумладан:

Доимий ишловчи ходимлар (жами): _____

Вақтинчалик ишловчи ходимлар (жами):

Камида йиллик иш тажрибасига эга бўлган ходимлар сони, жумладан:

Доимий ишловчи ходимлар: _____

Вақтинчалик ишловчи ходимлар:

Танлов қатнашчиси корхонасининг ташкилий тузилмаси, жумладан:

- Корхонанинг ташкилий тузилмаси [филиаллари, ҳудудий бўлинмалари, ишлаб чиқариш майдонлари ва бошқа шахобчалари]

- ишлаб чиқариш жойлари мавжудлиги (жами м2) [хусусий ёки ижара];

- омборхона жойлари мавжудлиги (жами м2) [хусусий ёки ижара];

- ишлаб чиқариш ускуналари

№	Техникаси номи	Сони	Ишлаб чиқарилган санаси	Сотиб олинган сана
---	----------------	------	-------------------------	--------------------

Қатнашчи номи: [Қатнашчининг тўлиқ комини кўрсатинг]

Таклифга имзо чекувчи лавозими: [Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг]

Имзо: [Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]

Ушбу таклиф [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг] кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди. Сана: [таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]

ИЛОВАЛ А.РНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПДИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛОВ САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ. 3-шакл

№ -лот

Маҳсулот(хизмат)нинг техник тавсиф жадвали

Иштирокчи: _____

№	Товарлар((хизматлар,ишлар)	Техник топшириқ талабларини бажариш учун маҳсулот номи	маркаси	Ишлаб чиқарилган давлати	
		Танлов ном ва лот ракам			

Қатнашчи номи: [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]

Таклифга имзо чекувчининг лавозими: [Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг] Имзо: [Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]

] Ушбу таклиф [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг] кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: [таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛОВ САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

4-шакл

№ -лот

ТАНЛОВТАКЛИФИ

КИМГА: Танлов комиссиясига

Жаноблар!

Савдо учун олинishi (хизмат кўрсатиш) ушбу билан тасдиқланувчи ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, биз қуйида имзо чекувчилар, ушбу Танлов таклифининг бир қисми 10 ҳисобланувчи ва таклиф этилаётган нарх-наво жадвали билан тасдиқланувчи _____ суммадаги

(Танлов таклифининг умумий суммаси ёзма ва ракамларда) кўрсатилган ҳужжатлар асосида етказиб беришни (хизмат кўрсатишни) амалга оширишни таклиф этамиз.

Бизнинг Танлов таклифимиз қабул" қилинган тақдирда, товар ва хизматлар учун Буюртмада келтирилган етказиб бериш (хизмат кўрсатиш) графиги асосида товарларни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятини оламиз.

Бизнинг _____

(_____) сўм закатШартнома шартларининг бажарилиш якунига қадар ва биз томонимиздан шу каби

Шартнома шартларининг бажарилишига кафолат сифатида Танлов Буюртмачиси ихтиёрида туради.

Биз танлов таклифларининг очилган куни сифатида ўрнатилган (белгиланган) санадан бошлаб 30 (ўттиз) банк куни давомида ушбу танлов таклифлари қоидаларига риоя этишга розилик билдирамиз. Ушбу танлов таклифи биз учун мажбурий (ҳақиқий) бўлиб қолади ва кўрсатилган муддат ўтгунга қадар ихтиёрий вақтда қабул қилиниши мумкин.

Расмий Шартномани тайёрлаб ва уни расмийлаштиргунга қадар ушбу танлов таклифи, унинг қабул қилинишидаги Сизнинг ёзма тасдиғингиз ва Шартномага эга бўлганлигингиз ҳақидаги Сизнинг билдириш хатингиз-билан биргаликда бизнинг ўртамаиздаги ҳақиқий (мажбурий) Шартнома ролини бажаради.

Биз албатта инобатга оламизки (тушунамизки), Сиз ўта кичик ҳисоб кийматига эга бўлган танлов таклифини ёки умуман Сиз олган таклифлардан қайси биринидир қабул қилишга мажбур эмассиз. Биз хар ойнинг иккинчи санасида, бутун етказиб бериш (хизмат кўрсатиш) даври мобайнида танлов савдоси шартларининг ижро этилиши ҳақидаги ахборот-маълумотларни тақдим этиб бориш мажбуриятини оламиз.

20 й. ойининг _____ санаси билан белгиланди. [имзо] [лавозими] (савдо иштирокчисининг номланиши)

Қатнашчининг номидан ва топшириғи бўйича Танлов таклифини имзолаш ваколатига эгалик қилувчи

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛОВ САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

5-шакл

№ -лот

Қатнашчи таклиф этган маҳсулотнинг (хизматларнинг, ишларнинг) нарх жадвали Иштирокчи: _____

т/р	Маҳсулот (хизмат)номи	Улчов бирлиги	сони	Бир донасининг нарпхи	Умумий нарх

Етказиб берилётган маҳсулот умумий қиймати жами: _____ сўм

Изоҳ: маҳсулотнинг (хизматнинг, ишнинг) бир донаси ва умумий нархлари ўртасида фарқланиш аниқланилса, бундай ҳолда бир дона маҳсулотнинг нархига қаралади.

Қатнашчи номи: [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]

Таклифга имзо чекувчининг лавозими: [Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг] Имзо: [Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]

Ушбу таклиф [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг] кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: [таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]

III БОБ. ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАРГА ВА КўРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРГА НАРХ ВА ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

1. Умумий маълумотлар

1.1. Хизматларнинг тўлиқ номи: Вилоят рухий касалликлар шифохонаси беморларига иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини кўрсатувчи учун талаб этиладиган хизматлар рўйхати Бажариладиган хизматларнинг бир ой давомидаги миқдори 1-жадвалда келтирилган.

1.2. Буюртмачи: Қизириқ туман тиббиёт бирлашмаси

1.3. Етказиб берувчи: Буюртмачи томонидан ўтказилган танлов натижаларига кўра етказиб берувчи аниқланади.

1.4. Хизмат кўрсатиш муддати: 2022 йил шартнома имзоланган вақтдан бошлаб 30__ кун ичида. 1.5. Молиялаштириш манбалари: Ўзбекистон Республикаси БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ ҳисобидан.

1.7. Хизмат кўрсатувчи ташкилот Қизириқ туман тиббиёт бирлашмаси беморларига иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини кўрсатувчи учун талаб этиладиган хизматлар рўйхати т.

Иш куни навбатчилик асосида ҳар кун ҳисобланади. 1-жадвал

Қизириқ туман тиббиёт бирлашмаси беморларига иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини кўрсатувчи учун талаб этиладиган хизматлар рўйхати

№	Наименование	Един измери	количество
1	Қизириқ туман тиббиёт бирлашмаси	порц	3230

IV БОБ. ТИЖОРАТ ҚИСМИ

Қизириқ туман тиббиёт бирлашмаси беморларига иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини кўрсатувчи учун талаб этиладиган хизматлар рўйхати

№	Наименование	Един измер	Количество
1	Қизириқ туман тиббиёт бирлашмаси	порц	3230

Тижорат таклифлари баҳоси ва уни белгилаш тартиби

1.1. Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар талаб қилинган маҳсулотлар учун нархларини ўзларинг ички имкониятларидан келиб чикиб белгилайди. Барча талаб қилинган хизматлар учун эҳтиёт қисмлар “Хизмат кўрсатувчи” ташкилот томонидан тўлиқ қопланади.

1.2. Маҳсулот (хизмат, иш) баҳоси (таклиф)га жумладан танлов, солиқлар, бюджет ва нобюджет жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича харажатлар кўшилиши лозим.

1.3. Иштирокчи томонидан ўрнатилган баҳолар етказиб беришни (хизмат кўрсатишни, иш бажаришни) тўлиқ амалга ошириш даврига белгиланиб, ўзгартирилиши мумкин эмас.

1.4. Қайси босқичда бўлмасин, баҳони кўтаришга йўналтирилган танлов таклифлари танлов савдолари талабларига жавоб бермайдиган ҳисобланиб, танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

2. Танлов валютаси

2.1. Танлов таклифлари Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси сўмда тақдим этилади.

3. Етказиб бериш шартлари ва муддати

3.1. Маҳсулотларни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш ва ишларни бажариш муддати _____ 2022 йилгача деб белгиланади.

3.2. Олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошланади в а _____ 2022 йилгача давом этади.

4. Молиялаштириш шартлари ва жадвали

4.1 Аввалдан тўлов Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида умумий шартнома қийматининг 30%, қолган 70 % шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади.

5. Шартномани молиялаштириш манбаи

5.1. Қизириқ туман тиббиёт бирлашмаси 2022 йил бюджет маблаглар ҳисобидан амалга оширилади. Маҳсулотни етказиб бериш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) бўйича тузилган Шартнома конунчилик ҳужжатлари - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий - ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мос бўлиши керак.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича

АСОСИЙ ШАРТЛАР

1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Тараф ХУкумат уйидан фойдаланиш бошқармаси ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келадиган хаттиҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда куйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

“1008” ишонч телефони;

Telegram-канали («@anticorbot»);

Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

Изоҳ: Шартномадаги ушбу шартлар “ярим қора” шрифтда баён этилади.

Бажарувчи: Буюртмачи:



Кизилрмик туман тиббиёт бирлашмаси

бошлиғи

У.М.Муминов

Қизириқ туман тиббиёт бирлашмаси

] 190100 Қизириқ тумани Дўстлик маҳалласи

Харид комиссиясига

2022 йил "___" _____ соат 17:00 гача (маҳаллий вақт билан) ОЧИЛМАСИН Қизириқ туман тиббиёт бирлашмаси беморларига иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини курсатиш бўйича танловда иштирок етиш.

Таклифни келиб тушган санаси "___" 2022 й.

Вақт _____ соат. _____ дақиқа

* Тижорат таклифидан электрон кабул қилиш танлов комиссияси котнби томонидан амалга оширилади:

Хуррамов Абдумалик ибрагимович;

Тел.: (91) 971 44 72

Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар

Иштирокчилар қўйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак: шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгаллик;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб тамоилларининг мавжуд эмаслиги.

Инсофсиз иштирокчиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.